СИНТАКТИК КАТЕГОРИЯЛАРНИ АЖРАТИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ВА ЛИНГВИСТИК МУАММОЛАРИ

Ш.ШАҲОБИДДИНОВА, Г.БАКИЕВА

Статья посвящена философским и лингвистическим проблемам различения синтаксических категорий, основанных на материале русского и узбекского языков. Даются теоретические определения понятию «категория». Рассматриваются категории числа, в частности, множественного числа тюркских языков.

This article is devoted to philosophical and linguistic problems of distinguishing syntactic categories based on the materials of Russian, Uzbek languages. There given theoretical definitions of the notion “category”. There explored the category of number, in particular pluralia tantum of Turkish languages.

Тилни айнан грамматик категориялар ташкиллаштиришини барча тилшунослар тан оладилар.

"Категория" атамаси тилшуносликда жуда фаол ишлатилса-да, уни охиригача тўла-тўкис таърифлаб берилган деб бўлмайди. Тўғрироғи, берилган таърифлар ҳодиса моҳиятини очиб бера олмайди. Ўз вақтида грамматик категория тушунчаси билан боғлиқ чалкашликлар ҳақида Б.С.Хаймович киноя билан шундай ёзган эди: "Грамматик категориялар билан биз мактаб ўриндиқларидан танишмиз. Биз улар ҳақида "грамматика" нималигини ва "категория" нималигини истисно қилганда, ҳамма нарсани биламиз" [1.83].

Бугунги тилшуносликда категория атамаси билан белгиланиб келаётган бирликлар гетероген табиатли бўлиб, исбот учун уларнинг айримларини санаб ўтамиз: сўзларнинг лексик-грамматик категориялари, нисбат категорияси, эга категорияси, аниқлик-ноаниқлик категорияси, шахс категорияси, қаратқич келишиги категорияси ва ҳоказо.

Бундай чалкашликнинг биринчи сабаби категория тушунчаси мазмуни ва чегарасининг ноаниқлигидир. Кейинги давр тилшунослигида фаол қўллана бошлаган майдон, лексик-семантик гуруҳ, парадигмалардан категориянинг фарқланиши ҳам анча чигал масала. Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа муаммолар ечимини топиш учун, аввало, категория борасидаги фикрларимизни тиниқлаштириб олсак.

Маълумки, категория атамаси тилшунослик ва бошқа фанларга фалсафадан ўтган. Кадимги файласуфлар инсоннинг билиш фаолияти натижаси бўлган борлиқ ҳамда ўзликни англаб етишдаги асосий тушунчаларни категория деб айтганлар. Булар моҳият, ҳодиса, сифат, миқдор, замон, макон, сабаб, оқибат кабилардир. Категория фалсафада энг кадимги тушунчалардан бўлса-да, файласуфларнинг унга қарашлари бир хил деб бўлмайди [2.251]. Ҳозирги кунда категория атамаси кўп маъноли сўзга айланиб, унда камида уч хил маъно кўрсатиб келинади:

1. Филос. Моддий дунё ҳодисаларининг умумий хусусияти ва алоқаларини ифодаловчи тушунча. Замон категорияси. Сабабият категорияси.
2. Илмий терминологияда предмет турларини ёки уларнинг умумий белгиларини билдирувчи тушунча. Грамматик категориялар. От категорияси. Эгалик категорияси.
3. Бир хил нарса, ҳодиса, шахслар тури, туркуми, гуруҳи; даража, разряд [3.372].

Кўринадики, категория номи остида бирлашган тушунчаларнинг ҳаммаси учун умумий жиҳат ҳам бор. Бу қисмларга бўлиниш, ушбу қисмлар орасидаги боғлиқлик ва умумий белгига эгаликдир. Аммо категорияларнинг мавҳум табиати уларни белгилашда муайян кийинчиликка олиб келади.

Хусусан, фалсафий категориялар борасида ўзига хос таълимот ярата олган немис файласуфи Гегелнинг бу борадаги фикрлари диққатга сазовор. Унинг фикрича, Кантнинг категорияларни субъектив деб баҳолашида жон бор. Масалан, муайян предметнинг белгилари шу предметда бирлашиши аниқ. Биз бу белгиларни ҳис қиламиз: бир чақмоқ қанд қаттиқ, оқ, ширинлиги аниқ. Ана шу белгилар предметда бирлашади. Аммо ана шу биргаликни кузатиб бўлмайди. Шу билан бирга, категорияларни фақат инсоннинг фикрлаш тарзи билан боғлаб қўйиш тўғри эмас[4.74]. Гегель фалсафасининг мағзи бўлган "нарса ўзида" фақат инсон белгилаган жиҳатлар-гагина эга бўлиши мумкинми?

Шарқ фалсафасида айнан шу атамалар ишлатилмаса-да, нарса моҳияти, унинг категориал хусусиятларини белгилашда ўхшаш фикрлар баён қилинади. Хусусан, Ибн Арабийнинг фикрича, си-

фатлар, бир томондан, зот билан бир хил, иккинчи томондан эса турличадир. Яъни нарса моҳияти фақат унинг белгилари йиғиндиси билангина қопланмайди [5.15; 6.34-37].

Антик даврларда файласуфлар категориялаштиришнинг илмий билишдаги ўрнига алоҳида эътибор билан қараганлар. Арастунинг фикрича: "муаммони ечиш учун уни парчалаш ва таснифлаш лозим". Унга ҳамоҳанг қарашларни Гегелда ҳам учратамиз: "... билиш учун онгда категориялардан бошқа таъриф йўқ"[4.166].

Ушбу категориялаш қай тарзда кечади?

Инсон ўзига нотаниш нарсани учратганда, беихтиёр уни ўзи аввалдан билган бошқа нарсалар билан қиёслайди. Шундай экан, билишнинг бу босқичида қиёснинг ўрни катта.

Билишнинг кейинги босқичида инсон уни ўз онгида аввалдан шакллантирилган гуруҳларга олиб киради, яъни категориялаштиради. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, инсон билиш жараёнида ўз ўрганиш объектини таҳлил килади, қисмларга ажратади. Шундай қилмаса, категориялаштириш жуда мураккаб жараён бўлиб қолади. Масалан, у билишга интилаётган предмет "қизил", "чиройли", "ўсимлик - гул" қисмларига ажратилган дейлик. Башарти, бу қисмлар орасида унга яхши маълум бўлмагани чиқиб колса, бу парчалашлар доираси янада кенгаяди. Масалан, "ранг" - "бошқаларга ўхшамаган" - "қизилга яқин" ҳоказо.

Ҳар қандай рангга эга нарсанинг ушбу жиҳатдан белгиси, албатта, ранглар категориясидан жой олади. Аммо билиш предмет бутунлигига путур етказмайди. Шунингдек, яхлит, бўлинмас, тотал таснифлаш имкони ҳам мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳар қандай предмет муайян категорияга киради ва бу унинг мавжуд бўлиш имкониятидир. "Ҳамма мавжуд нарсалар муносабатда туради ва бу муносабат ҳар қандай мавжудликнинг шартидир"[4.301;7.49-51]. Демак, муайян нарса (кенг маънода) мавжуд бўлиши учун у муайян категория (ал-макулот (арабча)га кириши зарур. Категориядан ташқарида ҳаёт йўқ, демакки, нокатегориал бирлик ҳам йўқ. Ёлғизлик фақат абсолют идея (Гегель), олий ақл (Юшкевич), сингуляр (Хоккинс) ёки Оллоҳгагина хос. Агар бирор нарса ўхшашларига эга бўлмаса, яъни унинг категориядошлари танилмаса, бу унинг нокатегориал эканлигини эмас, биз унинг категориал муносабатларини тиклай олмаётганимизни кўрсатади. Ҳар бир хусусий фаннинг вазифаси ана шу хил муносабатларни тиклаш – категориялаштиришдир.

Инсон ўзининг кундалик ҳаётида категориялардан фаол фойдаланади. Аммо илмий йўсинда категориялаштириш – анча мураккаб ва жиддий жараён. Тарқоқ билимлар, улар кичик категорияларга жамланганда ҳам, ҳали фан дегани эмас. Инсон билимларининг фанга айланиши учун ана шу билимларнинг барчасини бирлаштирувчи ғоя – умумий категориал мазмун жуда зарур. Ўз вақтида Гегель Кантни категорияларни тасодифий координация бўйича жойлаштиргани учун танқид килган эди [4.180-184]. Дарҳақиқат, категорияларни ўрганишда уларнинг ички муносабатларигина эмас, ўзаро муносабатлари ҳам муҳимдир. Чунки ҳар қандай категория муайян ички категориялар (субкатегориялар)дан тузила олгани каби, ўзи ҳам бошқа йирикроқ категория учун субкатегория бўла олади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, фалсафий жиҳатдан категорияга берилган таърифларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: категория – ўзаро мунтазам, изчил алоқаларда турувчи нарса (ҳодиса, ҳолат, жараён ва ҳоказо)ларнинг йиғиндиси бўлиб, категориялаштириш эса инсон билиш жараёнидир.

Хўш, хусусий фанларда, хусусан, тилшуносликда категориялаштириш жараёни қандай кечади?

Бу жараён билан боғлиқ бир неча муаммоларни кўрсатиш мумкин.

Муаммоларнинг боши яна фалсафа билан боғланади. Мантиқий (фалсафий, дидактик) категорияларнинг хусусий фанларда акс этиши масаласи жуда мунозарали. Умумдиалектик қонуниятлар хусусий фанда акс этар экан, ана шу фан объекти табиатидан келиб чиқиб, маълум даражада ўзгаришга учраши мумкин. Хусусан, кейинги давр тилшунослигида, яна кўплаб бошқа фанларда жуда фаол бўлган структура ва элемент категориялари умумдиалектик категория санала оладими ёки йўқми?

Айрим файласуфлар уларни умумдиалектик категориялар жумласига киритсалар, айримлари улар шакл ва мазмун категориялари диалектик муносабатининг муайян кўриниши деб ҳисоблайдилар [8.12]. Демак, бугунги тилшунослигимизда хусусий фанний ва умумдиалектик-фалсафий категорияларни фарқлаш ҳамда улар орасидаги мутаносиблик даражасини аниқлаш муаммоси долзарб бўлиб турибди. Шуни айтиб ўтиш жоизки, тилшуносликда анча фаол бўлган грамматик категория атамаси номидаги қамровга нисбатан анча кичик тушунча –

морфологик категорияларни билдириши деярли қонуниятга айланиб қолган.

Тилшуносликнинг бошқа соҳалари, масалан, фонетика, синтаксис ҳамда лексикологияда ҳам категориялар ҳақида сўз борса-да (эга категорияси, унлилар категорияси каби), улар у қадар кенг оммалашмади. Уларнинг категориал хусусиятлари тўлиқ очиб берилмаганлигини бунга сабаб қилиб кўрсатиш

мумкин. Тўғри, "сўзларнинг лексик-грамматик категориялари" атамаси анча кенг тарқалган. Бироқ яна ҳам кўпроқ тарқалган "сўз туркумлари" атамаси остида бирлаштирилувчи тушунчадан фақат атама жиҳатигина фарқлидир. "Сўз" тушунчаси, унинг қандай категориал белгиларга эгалиги ва улар бирлашувчи категорияларнинг ўзаро муносабатлари масаласи хусусий тилшунослигимизда замонавий фан талаблари даражасида очиб берилган деб бўлмайди.

Биз эслатиб ўтмоқчи бўлган кейинги муаммо категориянинг мантиқий талқинини эътибордан четда қолдириш билан боғлиқ.

Албатта, юқорида эслатиб ўтганимиздек, ҳар бир хусусий фан умумкатегориал қарашларга ўзгартиришлар кирита олади. Бироқ бу ўзгаришлар категорияларнинг воқеаланувига доир бўлмоғи ва уларнинг моҳиятига таъсир қилмаслиги лозим. Шундай экан, тилшуносликда мавжуд бўлган якка аъзоли категориялар ҳақидаги қарашларнинг мантиқий асосланиш даражаси, бизнингча, бир оз охирига етмаган, худди шундай фикрни категориядан ташқари – нокатегориал шакллар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бизнингча, категорияда бўлиш борлиқнинг ҳар қандай элементи, жумладан, тил бирлигининг ҳам яшаш шартидир.

Жумладан, синтактик бирликларнинг ҳам категорияга бирлашиши шубҳасиз.

Морфологик категорияларга нисбатан синтактик категориялар жуда кам ишланган. Чунки категорияларга бирлашувчи бирликларнинг ҳам мазмуний, ҳам шаклий ўхшашлиги бўлиши назарда тутилади.

«... в понимании традиционной лингвистики синтаксис лишён самостоятельной смысловой нагрузки ("... est vide de sense"). Однако синтаксическая категоризация в узком смысле (оппозиции типа субъект/объект, мужской/женский, существительное/прилагательное, адресат/адресант и т.д.) принадлежит по существу к области семантики, и это при том, что синтаксис имеет чисто относительный характер (чем и объясняется, например, то что глагол может употребляться в функции имени, целое предложение в функции субъекта и т.п.)»[9.51].

Т.В.Цивьяннинг фикрини ривожлантириб айтиш мумкинки, синтактик бирликлар семантикаси – мазмуни – ички имманент жиҳати ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, анъанавий тилшуносликда семантика атамаси остида тушунилган ҳодисадан фарқ қилади.

Қиёслаш учун туркий тилларнинг жуда кўпчилигида кўплик маъносини билдириб сон категорияси сирасига кирувчи *-лар* қўшимчасининг семантик ва шаклий томонини кўриб чиқсак:

- л + а + р - учта фонемадан тузилган тизим – шакл
- лар - ноаниқ миқдорий кўплик – мазмун (семантика)

Туркий тилларда кўпинча гап қурилишининг оддий таркибий қисмига киритилувчи тўлдирувчи эса шаклан ҳам, мазмунан ҳам анча мавҳум таърифланади:

Тушум, чиқим, ўрин-пайт, жўналиш келишиклари ёки восита, қурол каби маъноларни билдирувчи кўмакчилардан бирининг исм хусусиятли сўзлардан бирига қўшилишидан ҳосил бўлади – шакл.

Ҳаракатнинг объекти, қуроли, воситаси, ҳаракат адресати каби маъноларни билдиради – мазмун.

Мазмуннинг бу қадар мавҳумлиги (худди ўта конкретлиги каби, масалан, луғавий бирликларда) унда бошка бирликлар билан бир категорияга бирлашиш имконини чегаралагандек туюлади. Бироқ бундай чегараланиш изчил илмий тадқиқотлар орқали бартараф этилиши шубҳасиз.

АДАБИЁТЛАР:

1.Хаймович В.С. О грамматической категории //Филологические науки.- 1969.- №2.- С83
2.Филологический энциклопедический словарь.- М., 1983.- С.251.
3.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд.- М., 1981.- Б.372
4.Гегель. Энциклопедия философских наук. Т. I. Наука логики. - М., 1974.- С.74.
5.Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма.- М., 1987.- С. 15.
6.Алишер Навоий. Лисонут тайр. –Т., 1991. – Б.34-37
7.Муминов И.М. Философские взгляды Мирзы Бедиля.- Т., 1987.- С.49-51.
8.Современные проблемы материалистической диалектики. - Л., 1971.- С. 12.
9.Цивьян Т.В. Модель мира и её лингвистические основы - М.: Комкнига, 2006.- С.51.

Андижон давлат университети
2011 йил 12 январда қабул қилинаган